O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

● 2005-yil ● 3-sentabr ● Shanba ● 113 (27.448) ● www.uzbekistonovozi.uz ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

1. Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари резервига бўшатилсин.

2. Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 2005 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин. Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервига олинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари билан биргаликда жойлардаги чақирув комиссияларининг самарали ишлашини ташкил қилсинлар, чақирилувчиларнинг сифатли ва холисона тиббий кўрикдан ўтказилишини таъминласинлар;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда Қуролли Кучлар резервига бўшатилган фуқароларни уларнинг хизмат даврида эгаллаган ҳарбий ва фуқаролик мутахассисликларини ҳисобга олган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишга жойлаштириш чора-тадбирларини кўрсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги (Қ.Ғуломов), Ички ишлар вазирлиги (З.Алматов), Миллий хавфсизлик хизмати (Р.Иноятов), Қуролли Кучлар Бирлашган штаби (В.Маҳмудов), ҳарбий округлар қўшинлари қўмондонлари:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 мартдаги «Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга йиғиш ва жўнатиш, уларни ҳарбий қисмларда қабул қилиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилган ҳарбий хизматчиларни яшаш жойларига қайтариш тартиби тўғрисида»ги 84-сон қарори талабларига қатъиян мувофиқ равишда муддатли ҳарбий хизматга чақирилишини, уларни ҳарбий қисмларда қабул қилишни, шунингдек резервга бўшатилган ҳарбий хизматчиларни яшаш жойларига қайтаришни ташкил қилишни таъминласин;

муддатли ҳарбий хизматга янгидан чақирилган ҳарбий хизматчиларни қўшилмаларга ва қисмларга қабул қилишда юксак уюшқоқликни, қўшинларнинг жанговар тайёргарлигини таъминласин;

муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматчилар ҳарбий мутахассисликларни сифатли ўзлаштириб олишига, жисмоний ва маънавий жиҳатдан камол топишига, мақсадга интилиш, Ватанга муҳаббат ва уни ҳимоя қилишга тайёр бўлиб туришга асосланган мустаҳкам ҳаётий фазилатларни шакллантириш йўлида уларнинг самарали жанговар тайёргарлигини ташкил қилиш, маънавий-аҳлоқий ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш чора-тадбирларини амалга оширсин.

5. «Ўзтелерадио» компанияси (А.Ходжаев), Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги (Б.Алимов), Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги (М.Ҳазратқулов)га чақирилувчиларни муддатли ҳарбий хизматга тайёрлашнинг боришини, фуқароларни ҳарбий хизматга чақиришнинг амалга оширилишини, чақирув комиссиялари ишини, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматнинг ташкил қилинишини ва Қуролли Кучлар резервига бўшатилган ҳарбий хизматчиларни жойларда кутиб олиш бўйича тантанали тадбирлар уюштирилишини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш тавсия этилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши Котиби Р.Мирзаев зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2005 йил 2 сентябрь

Янги ўқув йили бошланди

## ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

2 сентябрь куни юртимиздаги барча таълим муассасаларида янги — 2005-2006 ўқув йили бошланиши муносабати билан биринчи қўнғироқ садолари янгради. Бу кун нафақат билимга чанқоқ, орзулари улкан ёшларимиз, балки фарзанди камолотини кўриш истагидаги ота-оналар, меҳридарё устозлар, ғамхўр мураббийлар учун ҳам ўзига хос байрамга айланди.

Пойтахтимиздаги 207-мактаб жамоаси янги ўқув йилини қайта реконструкция қилинган, қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарган бинода кутиб олди.

Ҳар бир мамлакат тараққиётида таълим-тарбия катта ўрин тутади. Шу боис Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида таълим соҳасини тубдан ислоҳ этиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгилангани бежиз эмас. Юртбошимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ўз самарасини бермоқда.

Ушбу ҳужжатнинг мантиқий давоми бўлган 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурида янги таълим масканлари бунёд этиш, мавжудларини тубдан қайта таъмирлаш, таълим сифати ва мазмунини ошириш, мактабларни энг замонавий ўқув жиҳозлари ва ускуналар билан таъминлаш, ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантириш, болалар спортини ривожлантиришдек эзгу мақсадлар кўзда тутилган. Дастурга кўра, фақат шу йилнинг ўзида юртимизда элликдан зиёд янги мактаб қад ростлади, мингга яқин таълим даргоҳи капитал реконструкция қилинди, капитал ва жорий таъмирланди. Замонавий ўқув жиҳозлари ва ускуналар, техник воситалар билан таъминланди.

207-мактаб ҳам ана шундай таълим масканлари сирасига киради.

— Илгари икки юз нафарга яқин ўқувчи таълим олган мактабимизда энди олти юз ўғил-қиз ўқиш имконига эга бўлди, — деди мактаб директори Муслима Шодмонова ЎзА мухбирига. — Иситиш ва электр тармоқлари тўлиқ янгиланди. Сўнгги русумдаги компьютер билан таъминланган синфлар, лингафон хоналари, замонавий лаборатория ускуналари билан жиҳозланган кимё, биология кабинетлари, спорт зали ўқувчилар ихтиёрида.

Ишга энг малакали ва тажрибали ўқитувчиларнинг танлов асосида жалб этилиши мактабимиздаги таълим сифати ва мазмуни кўркам бино ва замонавий ўқув жиҳозларига мос бўлишини таъминлайди.

Орзиқиб кутилган илк қўнғироқ чалинган кун юртимиздаги барча таълим масканларида бўлгани каби, янги қиёфа касб этган 207-мактабда ҳам ўқиш Мустақиллик дарсидан бошланди. Ватанимизнинг шонли тарихи, истиқлолимиз берган саодат, халқимиз амалга ошираётган буюк бунёдкорлик ишлари ҳақидаги ҳикоялар ўқувчилар қалби ва онгига чуқур сингишига шубҳа йўқ. Мамлакатимизда мактаб остонасига биринчи марта қадам қўйган 523 мингга яқин биринчи синф ўқувчиси учун янги ўқув йилининг бошланиши эса қўш тантанага айланди. Анъанага кўра, уларнинг барчасига мамлакатимиз Президенти совғалари — ўқув қуроллари, дарсликлар топширилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

## ИСТИҚЛОЛ ТЕНГДОШЛАРИ



**Зумрадхон ЖЎРАЕВА,** Шайхонтоҳур туманидаги 85-мактабнинг 8-синф ўқувчиси. Орзуси шифокор бўлиш.
**Сардор ХОЛМУҲАММЕДОВ,** Миробод туманидаги 110-мактабнинг 9-синф ўқувчиси. Унинг орзуси ҳуқуқшунос бўлиш.

**Шавкат АКРАМОВ олган сурат**

## ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ — ЯНГИ КОШОНАДА



Миллат довруғини жаҳонга кенг ёйишда, одамлар онги ва қалбига эзгу ғояларни сингдиришда, халқлар ўртасидаги тинчлик ва дўстлик ришталарини мустаҳкамлашда санъатнинг ўрни беқиёсдир. Шу боис юртимизда ёш истеъдодларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш билан бирга янгидан-янги санъат кошоналари барпо этишга, жаҳон ҳавас қилса арзигулик таълим даргоҳларини қуриб фойдаланишга топширишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Президент Ислом Каримовнинг шу йил 21 июлда қабул қилинган «Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига биноан пойтахтимиздаги Мироншоҳ кўчасида жойлашган бинолар мажмуи институт жамоасига берилди. Қайта таъмирдан сўнг замонавий қиёфа касб этган мазкур таълим даргоҳида янги ўқув йилининг бошланиши муносабати билан бўлиб ўтган тадбирда маданият ва санъат арбоблари, олимлар, талаба-ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Унда сўзга чиққан Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазири А.Азизхўжаев, мазкур институт ректори У.Қорабоев, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори, талаба Г.Назарова ва бошқалар мамлакатимизда миллий санъатимиз ривожи давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида эканини алоҳида таъкидладилар.

Тадбир қатнашчилари, профессор-ўқитувчилар, талабалар барча имконият ва қулайликларга эга мазкур даргоҳ ёшларга санъат соҳасидаги билимни пухта ва чуқур эгаллашда муҳим омил бўлишини таъкидлаб, кўрсатилаётган бундай улкан ғамхўрлик учун Юртбошимизга миннатдорлик изҳор этдилар.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

## ҚАСАМЁД ҚАБУЛ ҚИЛДИЛАР

Умумхалқ байрами — Мустақиллик куни Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Олий ҳарбий божхона институтида ҳарбий ва божхоначи қасамёдини қабул қилиш маросими бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан Ўзбекистон давлат божхона қўмитаси раиси Б.Матлюбов, Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов ва бошқалар Юртбошимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 2003 йилда ташкил қилинган мазкур олий ўқув даргоҳи мамлакатимизни юқори малакали божхоначи кадрлар билан таъминлашда муҳим ўрин тутишини таъкидладилар.

Ушбу олий ҳарбий ўқув юртига қабул қилинган 130 нафардан зиёд биринчи курс тингловчиси ҳарбий ва божхоначи қасамёдини қабул қилди.

**(ЎзА)**

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Муҳтарам Президент Жаноблари,

Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами муносабати билан Польша халқи ва шахсан ўз номимдан Сизга ва ўзбек халқига чин дилдан қутловлар ҳамда энг эзгу тилакларни йўллайман.

Мустақил, суверен яшаш ҳуқуқини қўлга киритиш — ҳар бир халқ учун шонли ғалабадир. Бу нарса ғоят катта қувонч бахш этиши билан бирга замонавий давлат барпо этишдек мураккаб вазифа билан боғлиқ буюк масъулият ҳам юклайди.

Ўзбекистоннинг демократияни мустаҳкамлаган ва умумэътироф этилган қадриятларга риоя қилган ҳолда зарур сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш йўлида бундан буён ҳам улкан ютуқларни қўлга киритаверишини тилаб билдирган истакларимни йўллашга ижозат бергайсиз. Комил ишонч билан айтаманки, ўзбек халқи фуқароларнинг бахт-саодати, эркинлиги ва фаровонлигини таъминлашга қаратилган демократик давлат барпо этишда муваффақиятларга эришаверади.

Президент Жаноблари, шахсий ҳаётингизда омонлик ва Ўзбекистоннинг барча фуқароларига кўпдан-кўп муваффақиятлар тилаб билдираётган истакларимни қабул қилгайсиз.

Ғоят юксак этиром ила,

**Александер КВАСЬНЕВСКИ,**
**Польша Республикаси Президенти**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Мамлакатингиз Мустақиллиги куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига Бирлашган Араб Амирликлари халқи, ҳукумати ва шахсан ўз номимдан самимий табриклар ва эзгу истакларни изҳор этишдан ғоят мамнунман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига бахт-саодат, мамлакатингизнинг биродар халқига эса равнақ ва фаровонлик тилайман.

Юксак ҳурмат ва эҳтиром ила,

**Халифа бин Зоид Ол НАҲАЁН,**
**Бирлашган Араб Амирликлари Президенти**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Мамлакатингиз Миллий байрами муносабати билан Греция халқи ва шахсан ўз номимдан самимий қутловларни йўллаб, Сиз, Жаноби Олийлари ҳамда Ўзбекистон халқига бахт-саодат, фаровонлик ва равнақ тилайман.

**Каролос ПАПУЛИАС,**
**Греция Республикаси Президенти**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни байрам қилиниши муносабати билан Индонезия ҳукумати ва халқи менинг Ўзбекистон ҳукумати ва халқига изҳор этаётган энг эзгу, самимий қутловларимга қўшиладилар.

Мен ўзаро ҳурмат ва бир-бирини англашга асосланган ўзаро манфаатли алоқаларимиз мамлакатларимиз ўртасида келгусидаги барча саъй-ҳаракатларимизда давом этиши ҳамда кенгайиб боришини астойдил истайман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни ҳамда Сизга мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, шунингдек, муҳтарам халқингизга равнақ тилаб билдирган энг эзгу истакларимни қабул қилгайсиз.

**Др. Х. Сусило Бамбанг ЮДХОЁНО,**
**Индонезия Президенти**

Байрам табриклари

**Януш ВАВЖИНЮК,**
**Польшанинг Ўзбекистондаги муваққат ишлари вакили:**

## «МУСТАҚИЛЛИК ЎЗБЕК ХАЛҚИ УЧУН ҚАНЧАЛИК МУҚАДДАС ЭКАНЛИГИНИ СЕЗДИМ»



— Польша Ўзбекистон билан боғлиқ алоқаларга катта эътибор бериб келаяпти ва мамлакатингизни стратегик ҳамкор, дея ҳисоблайди. Польша Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 27 декабрда тан олган. Икки мамлакат ўртасидаги дипломатик алоқалар 1992 йилнинг мартида йўлга қўйилди. 1995 йилда мамлакатингизда Польша элчихонаси очилди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Польшага икки марта расмий ташриф буюрган. Польша Президентининг юртингизга расмий ташрифи давомида туризм, божхона масалалари ва Ўзбекистонга кредит ажратиш борасида келишувлар имзоланди. Ўзбекистон хавфсизлик, ноқонуний миграция, терроризм ва гиёҳвандликка қарши кураш, оммавий қирғин қуроллари тарқалишининг олдини олиш каби масалаларда Польшанинг стратегик ҳамкори ҳисобланади.

Польшага импорт қилинадиган пахтанинг 50 фоизи юртингизда етиштирилади. Ўтган йили икки мамлакат орасидаги товар айланиши 83,4 миллион долларни ташкил этди.

Ўзбекистонда 3 мингдан ошиқроқ поляклар яшайди. Шунинг учун маданий алоқаларимиз ҳам юқори савияда йўлга қўйилган.

Ўзбекистонга келганимга икки ой бўляпти. Бу ерга келиб ҳамма жой байрамона безалганини кўриб ҳайрон бўлдим. Кейин билсам, бу асосий байрам — Мустақиллик кунига тайёргарлик экан. Бунчалик жиддий ва катта тайёргарликни кўриб, бу байрам ўзбек халқи учун жуда муҳимлигини англадим.

Польшада ҳам Мустақиллик байрами нишонланади. Бироқ у бироз расмийроқ ўтади. Биласизми, шу йилдан эътиборан 31 август куни поляклар ўзбек халқи каби байрамни нишонлайди. Польша парламенти қарорига кўра, 31 август мамлакатимизда Бирдамлик ва озодлик куни сифатида нишонланадиган бўлди. Бундан 25 йил олдин «Бирдамликсиз озодлик йўқ», деган шиор остида вужудга келган бирдамлик ҳаракати Польшада демократия ўрнатилишига сабаб бўлгани учун ҳам парламентимиз уни давлат байрами сифатида эътироф этди.

Менга берилган фурсатдан фойдаланиб, меҳмондўст, меҳнатсевар, бунёдкор, илм-фан ва санъат шайдоси бўлган ўзбек халқига дилимдаги энг эзгу тилакларни билдирмоқчиман. Бутун бир цивилизация шаклланишига сабаб бўлган юртингиз бундан буён ҳам гуллаб-яшнасин.

Байрамингиз муборак бўлсин!

**Мехмет Кемал АСИЯ,**
**Туркия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:**

## «ДЎСТНИНГ БАЙРАМИ БИЗНИНГ ҲАМ БАЙРАМ»



— Туркия ва Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик тарих, маданият ва тил муштараклиги туфайли тобора ривожланмоқда ва янада тараққий эттирилиши мумкин. Бунинг учун икки мамлакатда ҳам имкониятлар етарли. Ҳозирги кунда савдо-иқтисодий соҳалардаги алоқалар анча кенгайганини айтиб ўтиш жоиз. 2004 йилда икки мамлакат ўртасидаги савдо ҳажми 320 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Туркияда бир қанча миллий байрамлар бор. Мазкур байрамларнинг энг муҳими ҳеч шубҳасиз Республика куни ҳисобланади. 1923 йил 20 октябрь куни Туркия республикаси ташкил топган.

Мустақиллик Ўзбекистон халқига бахт-саодат, қувонч ва фаровонлик келтирди. Дўстнинг байрами бизнинг ҳам байрам. Мен қардош ва дўст турк халқи номидан Ўзбекистон халқини мустақилликнинг 14 йиллиги байрами билан чин дилдан табриклайман ва ўзимнинг самимий эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Байрамингиз билан, азизлар!

## ҚИРҒИЗИСТОН СИЁСАТИДА ЎЗБЕКИСТОН ОМИЛИ

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси тарқатган баёнотда БМТнинг Қочқинлар иши бўйича олий комиссари бошқармасига айблов мавжуд. Ўзбекистоннинг олий ҳуқуқ-тартибот органи ушбу халқаро ташкилотнинг андижонлик қочқинларни Қирғизистондан учинчи мамлакатларга олиб чиқиб кетиш бўйича амалга оширган ҳаракатини террорчилар ва жиноятчиларни ҳимоя қилиш, деб баҳолади.

Шу тариқа, юқорида келтирилган Бош прокуратура мурожаатининг муаллифи дейиш мумкин бўлган Ўзбекистон раҳбарияти ўз қочқинлари масаласи бўйича нуқтаи назарини аниқ баён қилди. Ўзбекистон раҳбарияти Андижон фожиасига доир халқаро текширув ўтказиш тўғрисидаги ташаббусни нафақат маъқулламади, балки бунга ахборот орқали қарши ҳужумга ўтди. Бу борада Тошкентнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги янги иттифоқдошлари — БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари — Хитой ва Россияга катта умид боғлагани шубҳасиз.

Мурожаатда Қирғизистон ҳукуматининг хатти-ҳаракатига нисбатан ҳам салбий фикр билдирилгани кишининг диққатини ўзига тортади.

2-бет

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

### ХОРИЖ РАДИОСИ



*Йўқчиликни кўрса, нега йўқ дейди,*
*Тўқчиликни кўрса, нега тўқ дейди.*
*Қўрқоқ деб атайди индамай турсанг,*
*Ҳақ гапни гапирсанг, қилма дўқ дейди.*

**Абдулла ОРИПОВ,**
**2005 йил, 30 август**

Инсон ҳуқуқи — олий қадрият

# МУСТАҚИЛЛИК — ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИК КАФОЛАТИ

Ўзбекистон Республикаси Мустақилликни қўлга киритгандан кейин биринчи қабул қилган халқаро ҳужжат — «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси» бўлди. Ушбу дастлабки дадил қадам давлатимизнинг Бош мақсадини тўла ифода этади: **Ўзбекистон демократик ривожланиш йўлини танлади. Фуқаролар ҳақ-ҳуқуқини таъминлаш унинг бош мақсадидир.**

Истиқлолнинг ўтган 14 йилини назардан ўтказсак ушбу эзгу мақсад босқичма-босқич амалга оширилаётганига гувоҳ бўламиз. Дастлаб Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди ва унда инсон, унинг қадр-қиммати олий қадрият, деб белгиланди. Ҳокимият тизими учга бўлинди: қонун чиқарувчи, ижроия ва суд. Дунё тажрибасида инсон ҳуқуқларини таъминлашда муқобили йўқ саналган суд ҳокимияти мустақил ҳокимият сифатида эътироф этилди.

Булар айтишгагина осон бўлган ишлар. Амалда унинг моҳиятида эски, чириган тоталитар тузумдан янги, илғор ҳуқуқий-демократик тузумга ўтиш, «халқлар турмаси»дан эркин, ҳур ҳаётга чиқиш каби жасорат, эзгулик ва яхшилик ётибди. Масалан, суднинг мустақил ҳокимият деб эътироф қилинишини олайлик. Унинг бошқа ҳокимиятлардан ажратилиши шўро давридаги жазоловчи органдан эндиликда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимояловчи институтга айланганини ифодалайди.

Ўзбекистоннинг кейинги ривожланиш босқичларида Бош қонундаги принциплар тўла амалга ошиб борди. Шўро даврида Ўзбекистон жиноят кодексидаги 33 та модда санкциясида ўлим жазоси кўзда тутилган бўлса, 1994 йилга келиб улар 13 тага қисқарди. Сўнг босқичма-босқич қисқариб, 8,4 ва 2 тага тушди ва ниҳоят яқинда Президентимиз томонидан қабул қилинган Фармонга кўра, 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси бекор қилинадиган бўлди.

Маълумингизки, собиқ шўро даврида ходим бошлиғига ёқмай қолса ёки унинг ғашига тегса, арбоб ҳар боб билан уради, деганларидек, у ходимни ишдан ҳайдаб юборар, боз устига меҳнат дафтарчасига ёзиб берар эди. Бир кишининг шахсий фикри билан ишдан ҳайдалиб, меҳнат дафтарчаси булғанган ходим бошқа жойга ишга киролмай қийналар эди. 1996 йил Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг амалга кириши билан шўро давридаги камситувчи, таҳқирловчи бу «анъана»га барҳам берилди. Ушбу Меҳнат кодексида ёлланиб ишловчи — ходимнинг манфаатлари юқори кўтарилди ва ҳимояга олинди.

2001 йил инсон ҳуқуқларини тўлароқ таъминлаш борасида амалга оширилган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг муҳим босқичи ҳисобланади. Дарҳақиқат, шундай. Бу пайтга келиб суд тизимида ихтисослашув бошланди — фуқаролик ва жиноят судлари алоҳида ажратилди. Апелляция босқичи жорий қилинди. Бугунга келиб ушбу ислоҳотлар самараси яққол кўринмоқда. Апелляция босқичи ишни пухта, сифатли кўришда қўл келаётган бўлса, ихтисослашув одиллик ва қонунийлик таъминотида муҳим аҳамият касб этаяпти.

Собиқ шўро даври қонунчилигида жиноят деб эътироф этилган кўпгина нормалар мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексидан чиқарилиб, маъмурий ҳуқуқбузарлик қаторига киритилди. Ўтган 14 йил ичида Жиноят кодексига 100 га яқин енгиллаштирувчи ўзгартиришлар киритилганини алоҳида таъкидламоқ жоиз. Айниқса, «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонундан кейин бу жараён тезлашди. Жиноятларни таснифлаш мезони ўзгариб, Жиноят кодексининг 87 та жиноят таркиби бўйича жазо санкциялари енгиллаштирилди. 26 моддадан қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш жазо чоралари чиқариб ташланди. Аксарият моддаларда назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосига муқобил бўлган жазолар қўшилди ҳамда ярашув институти жорий этилди. Унга кўра, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этганлар жабрланувчи билан ярашса, етказилган зарарни тўлиқ қопласа ва қилмишидан пушаймон бўлса, у жавобгарликдан озод бўлиши мумкин. Бу институт ҳозир амалиётда кенг қўлланилаяпти ва минглаб одамларни турли хил жазолардан асраб қолмоқда.

Юқоридаги қонун қабул қилингандан сўнг шўро даври қонунчилигида «гуллаб-яшнаган» мол-мулкни мусодара этишдек бемаъни нормага барҳам берилди. Жиноят кодексидан мол-мулкни мусодара қилишни кўзда тутувчи 53-модда чиқариб ташланди. Мусодаранинг олиб ташланиши натижасида энди бир кишининг жиноятидан бутун бир оила иқтисодий азият чекишига барҳам берилди. Совет даври қонунчилигида эса арзимаган жиноятлар учун бутун оиланинг мол-мулки мусодара этилар ва бошқа оила аъзоларининг мулкий ҳуқуқлари паймол бўлар эди.

Яқин ўтмишни эсланг. Шўро давлати қонунларида ҳатто давлатга иқтисодий зарар етказган шахсларга ҳам ўлим жазоси берилар эди. Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши натижасида эса иқтисодий жиноятчилик билан боғлиқ ҳолатларда етказилган зарар қопланса, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланиши кўзда тутилган. Бу мустақиллик — ҳуқуқ ва эркинлик эканлигининг яна бир исботи эмасми?!

Рост, биргина суд-ҳуқуқ соҳасидаги шунча ўзгаришлар айнан Мустақиллик берган имкониятлар орқали амалга оширилди. Ўтган 14 йиллик тарих мустақиллик — ҳуқуқ ва эркинлик эканлигини халқимизга тўла исботлади. Шу боис ҳуқуқ ва эркинлигимиз тимсоли — Мустақилликни қанча эъзозласак шунча оз. Уни ҳимоя қилиш ўз ҳуқуқларимиз, озодлик ва эркимизни ҳимоялашдир. Зеро, Мустақиллик йўқ жойда Ҳуқуқ ҳам, Эркинлик ҳам йўқ!

**Убайдулла НУРМАТОВ,**
**жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти суди раиси ўринбосари**

# ҚИРҒИЗИСТОН СИЁСАТИДА ЎЗБЕКИСТОН ОМИЛИ

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

Ушбу ҳужжатда БМТнинг Қочқинлар иши бўйича олий комиссари бошқармаси ва Қирғизистон томонининг бу хатти-ҳаракатлари «мазкур нуфузли ташкилотнинг хайрли мақсад ва вазифаларини фақатгина обрўсизлантиришга хизмат қилаётгани» таъкидланган. Шу ўринда савол туғилади: Тошкентга Қирғизистон раҳбарияти ҳаракатида айнан нима ёқмади? Қочқинларнинг ҳаммасини ўз юртига қайтаришнинг иложи йўқлиги аён эди ва қўшни давлатнинг расмий шахслари уларнинг келгуси тақдирини ҳал этишга даъвогар эмасликларини бир неча бор таъкидлади.

Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг таъкидлашича, бу масалада хавфли жиноятчилар, рецидивистлар ҳамда «Акромийлар» диний-экстремистик ташкилотининг етакчилари бўлмиш Андижон қўзғолонининг 29 нафар фаол иштирокчиси қийинчилик туғдирмоқда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси айнан ушбу жиноятчиларга нисбатан жорий йилнинг июнида Қирғизистон Республикаси Бош прокуратурасига уларни топшириш тўғрисида сўровнома жўнатган эди.

Кейинчалик ҳар икки давлат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўртасида жиноий кирдикорлари учун айбланаётган шахсларнинг тартибсизликларга дахлдорлигини текшириш бўйича ҳамкорликдаги тезкор терговга гуруҳини ташкил этиш тўғрисида келишувга эришилди. Республикамиз Бош прокуратураси қочқинларни қўшни мамлакат ҳукуматига топшириш зарурлиги ҳақида Қирғизистон жамоатчилиги фикрини шакллантириш бўйича кенг кўламли тарғибот ишларини ҳам олиб борди. Бу борада телевидение орқали ўзбекистонлик ҳамкасблар томонидан юборилган видеоматериаллар намойиш этилди. Бу материалларда айбланаётганларнинг қўлларида қурол тутган ҳолати акс эттирилган бўлиб, тинч қочқинларга асло ўхшамасди. Боз устига, уларнинг айримлари давлат чегарасидан қўлда қуроли билан ўтган. Бироқ, кейинчалик мамлакатимиз учун деярли анъанага айланиб қолган тарзда — мантиқсиз ва пала-партиш воқеалар содир бўлди. Халқаро ташкилотлар вакиллари мамлакатимизга бир неча бор келиб, ўзларини хўжайинларча тутган ҳолда раҳбарларимизга тегишли кўрсатмалар берди ва Тошкент қайтаришни талаб қилаётган шахслар сонини 15 кишигача камайтирди. Энди эса уларни ҳам учинчи мамлакатларга олиб чиқиб кетишга тайёргарлик кўрилмоқда. Шундай қилиб, қўшниларимизга бизни лафзсизликда айблаш учун сабаб топиб бердик.

Қирғизистон Республикаси Хавфсизлик кенгашининг охирги мажлисида бош прокурор Азимбек Бекназаров бу ерда қолган қочқинлар масаласини сиёсий жиҳатдан ҳал қилишни таклиф этди ёки уларни зудлик билан Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига топширишга чақирди. Президент эса бу муаммони кейинроқ ва бошқа ерда ҳал қилиш тўғрисидаги фикрда туриб олди. Ўшдаги тергов изоляторида ўтирган шахслар аллақачон савдо воситасига айланганини ҳамма яхши билади. Фақат бир нарса тушунарсиз — бу воқеа тафсилотлари нима учун кенг жамоатчиликдан сир тутилмоқда?

Шу нарса аниққи, Қирғизистон ҳар қандай ҳолатда ҳам ниманидир бой бериши муқаррар. Гуманизмни танласа, газсиз қолади. Акаев раҳбарлиги даврида, навбатдаги Ўзбекистон — Қирғизистон муносабати кескинлашган пайтда газни узатиш тўхтатиб қўйилгани эсимда. Ваҳоланки, ўша пайтда газ учун қарздорлик бўлмаган. Бироқ, у томон бунга қандайдир аварияни сабаб қилиб кўрсатди. Демак, шуни эсдан чиқармаслигимиз лозимки, Ўзбекистоннинг «зангори олови» биз учун товар эмас, балки ўзаро муносабатлардаги мавқеимиз рейтингининг ўзига хос кўрсаткичи саналади.

Агар газни танласа, Қирғизистоннинг Евроиттифоқ ва НАТО билан ораси бузилиб, молиявий жарима санкциялари қўлланиши ва бундан баттар ҳам бўлиши мумкин. Бундай вазиятда раҳбарларимизга осон тутиб бўлмайди. Ҳолбуки, улар бугун халқ билан бирлигини намойиш этиши ва унга ўз фикрини билдириш учун имкон бериши керак. Чунки, у ёки бу мамлакат билан муносабатларнинг ёмонлашуви жабрини халқ тортади. Президент қароргоҳи ва албатта, сиёсий намояндаларнинг маҳобатли саройларида газ таъминоти ва бошқа муаммолар бўлмайди. Халқ эса совқотиб, оч-наҳор ўтираверади ва бу биринчи марта эмас. Лекин ҳеч бўлмаса, бунинг сабаби нимада эканлигини билиб оламиз.

Умуман олганда, ҳукуматимиз юритаётган ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатдаги ортиқча махфийлик жонга тегди. Қисман буни тушуниш мумкин. Чунки бизда ҳукм сурган чала демократия шароитида мухолифат, шубҳасиз, ярим махфий ҳолда иш юритишга кўникиб қолган. Лекин кечаги мухолифат — бугун қонуний ҳукуматга айланди ва шу боис бундай одатлардан тезроқ қутулиши керак.

Худо кўрсатмасин, агар бизнинг «амалдорлар» дипломатик жанжалда «калтак еса», кейин ўзини қандай оқлайди? «Қўлимиздан келмади» дейдими? Бу нарса эҳтимолдан холи эмас, негаки Ўзбекистоннинг қўлида ҳам ишончли далиллар бор. Масалан, у 1951 йилги Женева конвенцияси ва Қирғизистон Республикасининг 2002 йил 22 апрелдаги «Қочқинлар тўғрисида»ги қонунига таяниши мумкин. Бу ҳужжатларда ўта оғир жиноят содир этганларга сиёсий бошпана бериш мумкин эмаслиги қайд этилган. Нима бўлишидан қатъи назар, у ёки бу қарорни қабул қилиш бизнинг халқаро майдондаги ўрнимиз ва мавқеимизни белгилайди. Барибир четда қараб туришга йўл қўйишмайди. Бироқ Ғарб сиёсати эртага бутунлай ўзгариши мумкин, қўшни эса қўшнилигича қолади. Мисол учун, Вашингтон Тошкентнинг «тарсаки»сидан сўнг очкўз нигоҳини Остонага қаратди. Энди ҳеч ким «қозоқгейт» ҳақида эсламайди ҳам. Яқинда Дональд Рамсфелд Қосимжомарт Токаев (Қозоғистон ташқи ишлар вазири) билан учрашди — ҳамма нарса ҳал бўлди қўйди! Энди Қозоғистон АҚШ учун «халқаро майдондаги муносиб шерик ва террорчилик ҳамда экстремизмга қарши глобал курашда ишончли иттифоқдош»га айланди.

Қўшма Штатлар иккинчи иттифоқдошни эса Ўзбекистоннинг бошқа томонидан изламоқда. АҚШ Марказий қўмондонлиги раҳбари генерал Жон Ф.Абизейд Туркманистон президенти Сапармурот Ниёзов билан учрашиб, «минтақавий хавфсизликка доир кенг кўламли масалалар»ни муҳокама қилди. Бошқа гапларнинг Америка учун мутлақо қизиғи йўқ. Мен кўпчилик Туркманбошининг ўтакетган тоталитар тузумини очиқдан-очиқ айблаётганини назарда тутмоқдаман. Бу борада нима ҳам дейиш мумкин? Дипломатиянинг ишлари ғалати экан!

**Азамат ТИНАЕВ,**
**«Вечерний Бишкек» газетаси,**
*2005 йил 29 август*

# «ИШ ВА ФАРОВОНЛИК — БАРЧА УЧУН!»

партиямизнинг бу шиори меҳнатга қобилиятли аҳолининг тўлиқ бандлигини таъминлаш ва уларнинг турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилади



Гурлан тумани меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш бўлими томонидан бандлик дастурининг бажарилиши бўйича ижобий ишлар қилинаяпти. Ярим йилликда бўлимга 1312 нафар фуқаро иш сўраб мурожаат қилган бўлса, уларнинг маълум қисмига ишсизлик мақоми берилди. Квота иш ўринлари ва жамоат ишларига жами 897 киши жойлаштирилди. Кичик корхоналар, тадбиркорлик субъектлари ташкил этиш эвазига 306 та янги иш ўрини яратилди. Масалан, туман марказида истиқомат қилувчи фуқаро Ҳайитгул Аҳмедова ўз уйида тикувчилик цехи ташкил этиш эвазига маҳалладаги 6 нафар хотин-қизни иш билан таъминлади. Бўлим томонидан эса уларга касб-ҳунар ўрганиш, хомашё харид қилиш, тикувчилик дастгоҳлари ва машиналар сотиб олиш, тайёр кийим-кечакларни реализация қилиш бўйича амалий ёрдамлар кўрсатилмоқда.

***Суратларда:*** *цех бошлиғи Ҳайитгул Аҳмедова шогирди Гавҳар Тулиева билан; туман меҳнат бўлими йўлланмаси билан ўзлари ёқтирган ишга жойлашган Моҳира Жумабоева ва Юлдуз Зариповалар.*



**Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

Инсон хотираси — азиз

# ИБРАТЛИ УМР

Одатда ҳар қандай ташкилотнинг обрўсини етакчининг шахси ҳам белгилайди. Ўз ортингдан одамларни эргаштириш осон иш эмас. Бунда раҳбарнинг фазилатлари, обрў-эътибори кўп нарсани белгилайди.

...Том маънода истиқлол фарзанди бўлган партиямизни ташкилий томондан шакллантириш, кўппартиявийлик шароитида унинг нуфузи, обрў-эътиборини ошириш осон иш эмасди.

Ғайрат Машарипов Халқ демократик партияси Хоразм вилоят ташкилотига ўн йилдан зиёд бош бўлган даврда чинакамига ўзининг ташкилотчилиги, сиёсий етуклигини кўрсатди. Беш-олти йил ичида партия ташкилоти аъзолари, тарафдорлари кескин кўпайди. Бу ўз-ўзидан бўлмайди.

Ғайрат ака фозил инсон эди. Аввало у киши ўз соҳасининг ўта билимдони бўлганини, ўқишни тугатган ёш мутахассиснинг ўн йил ичида республика миқёсидаги масъул вазифага кўтарилганлигини қайд қилмоқ керак. Кейинчалик вилоятдаги энг йирик — Гурлан туманига бош бўлганларида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, эл-юрт фаровонлигини ошириш борасидаги фидокорона меҳнатлари юзлаб ёш кадрлар учун ўзига хос мактаб вазифасини ўтади.

Қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими» — Ғайрат Машариповнинг Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгашига етакчи бўлиши партиявий ишларнинг кучайишига сабаб бўлди. Партиядан номзоди кўрсатилиб, Олий Мажлис депутатлигига сайлангач, Ғайрат ака янгича демократик тамойилларнинг таркиб топиши, ҳукумат қарорлари ва Юртбошимиз Фармонларининг тезроқ жойларда ижро қилиниши борасида жон куйдириб ишлади. Бунга ҳар бир партия аъзосини даъват қилди.

Ғайрат ака ҳалол инсон эди. Ўз манфаатини умуммманфаатдан қуйи қўя олар ва биз шогирдларини ҳам ҳар доим шунга ўргатарди. У ўта ишчан инсон эди. Ҳатто вафоти арафасида — оғир хаста вақтида ҳам бирор кун ишдан қолмаган. Вилоят Кенгаши сессиясига бориш учун кийиниб чиққан Ғайрат аканинг бўсағада мазаси қочди. Бирор муддат ўзимга келай, деб диванга чўзилган қуйи жон таслим қилди.

Ғайратли партиядошимиздан кўп яхши хотиралар, авлодлар ёдлагулик эзгу ишлар қолди. Бугунги воҳа деҳқонлари у кишини қишлоқ хўжалиги борасида ўз устозлари, деб билсалар, биз шогирдлари — партиявий жиҳатдан ҳам чинакам устозимиз деб биламиз.

Ғайрат ака ҳаёт бўлганида етмишга кирган бўларди. Буни афсус билан қайд қилиш керак. Негаки, кўппартиявийлик шароитида мамлакатимизда демократик тамойиллар тамомила янгича изга кўчаётган ҳозирги пайтда у кишининг кўп йиллик тажрибаси, чуқур билими, энг асосийси фидойилиги кўп зарур бўлади...

**Раймберган СОБУРОВ,**
**ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши раиси**

# НАВОИЙДА ҚОВУН САЙЛИ

Ота-боболаримиздан қолган миллий қадриятлару удумлардан бири — Наврўздаги сумалак бўлса, бири — кузакдаги қовун сайли. Яқинда Бухоро ва Самарқанд вилоятларидан кейин навқирон Навоийда ҳам қовун сайли ўтказилди. Кўзланган асосий мақсад — деярли унитилаёзган бу удум ва тилими тил ёргувчи қовунларимиз навини тиклаш йўлидаги ишлар якунини сарҳисоб қилиш эди.

Сунбула ва мезон шамолларида ширасидан тарс-тарс ёрилгучи «Амири», «Шакарпалак», «Босволди», «Бўрикалла», «Қораканд», «Кампирқорин», «Сариқ тўр», «Юпқапўчоқ» сингари ўнлаб тур қовунлар таъми сайил иштирокчилари оғзида қолди.

Тадбирда Нурота, Жалойир, Ўртачўл, Хазора, Қоражон деҳқонлари ғолиб чиқиб, улар вилоят ҳокимлиги ва вилоят бозорлари уюшмаси томонидан рағбатлантирилди.

**Музаффар ШАРОПОВ**

Муносабат

# АЙБДОР БЎЛМАСАНГИЗ НЕГА ҚОЧДИНГИЗ, БИРОДАР?

Собиқ шўролар даврида Ўзбекистонда чет эл оммавий ахборот воситаларининг фаолият юритиши у ёқда турсин, ҳатто, мухбирлари ҳам йўқ эди. Айрим радиоларнинг тўлқинлари атайин турли воситалар ёрдамида узиб қўйиларди.

Мана, бугун истиқлол туфайли мамлакатимизда хориж оммавий ахборот воситаларининг мухбирлик постлари ташкил қилинган. Бугун деярли ҳар бир вилоятда чет эл журналистларини учратишингиз мумкин. Юртимизда бир қатор хорижий радиостанцияларнинг ўзбек хизмати фаолият юритиб келаяпти. Истаган журналист аккредитациядан ўтиб, мамлакатимиз қонунларига риоя қилган ҳолда бемалол ўз хизмат вазифасини бажариши мумкин.

Лекин шу ўринда улар бу имкониятни, яратилган шарт-шароитни суиистеъмол қилишмаяптимикан, деб ўйлаб қоласан киши. Мен мунтазам «Би-Би-Си» ва «Озодлик» радиоларини эшитиб бораман. Лекин бирор марта ҳам ушбу радиолар мухбирлари тайёрлаган эшиттиришларда мамлакатимиз ҳақида илиқ фикр айтилгани ҳақида самимий ва борингки, объектив репортажлар берилганини эслай олмайман.

Юртимизда барча соҳаларда кенг ислоҳотлар ўтказилаяпти. Буюк ва тарихий янгиланишларга кенг йўл очилаяпти. Энг муҳими, бировнинг қўлига қараб қолмай, ўз кунимизни ўзимиз кўраяпмиз. Баъзи давлатларга ўхшаб, бировлардан кўмак сўраётганимиз йўқ.

Аммо негадир хорижлик мухбирлар бу ҳақда гапиришмайди. Ўзбекистон ҳукумати олиб бораётган сиёсатга бир томонлама ёндашишади. Қилдан қийиқ ахтаришади. Озгина камчиликни ҳам бўрттириб, оламга жар солишади.

Энг ачинарлиси, улар Андижон фожиасига ҳам бир томонлама, нохолис муносабатда бўлишди. Бу ҳақда матбуотимизда кўп гапирилди, гапирилмоқда. 13 май воқеаларидан сўнг хорижлик журналистлар учун ўтказилган матбуот анжуманида Президентимиз айрим чет эл оммавий ахборот воситаларини нохолис ахборот тарқатаётганликда айблагандилар.

Яна бир ажабланарли жиҳати шундаки, Андижондаги фожиали воқеалар бўйича суд-тергов жараёнлари тугамасдан, ҳақиқат ойдинлашмасдан туриб ҳар хил бўҳтонлар тарқатиш давом этаяпти. Ўзбекистон Бош прокуратураси БМТнинг қочқинлар ишлари бўйича Олий Комиссариати томонидан Андижонда юз берган қонли воқеалар чоғида Қирғизистон жанубига қочиб ўтган жиноятчиларнинг ҳимоя қилинганлиги юзасидан ўз қатъий нуқтаи-назарини расман билдирди. Ушбу баёнот юзасидан «Би-Би-Си» ўзбек хизмати тайёрлаган эшиттиришни тинглаган киши таажжубланмай иложи йўқ. Радиолавҳада айтилишича, «БМТ вакиллари Ўзбекистоннинг бу айбловларини рад этиб, ҳозирга қадар бошпана изловчи ўзбекистонликларнинг жиноятга қўл ургани ҳақида ҳеч қандай жўяли маълумот тақдим этилмаганлигини маълум қилган...».

Эй биродар, наҳот ҳақиқатни англашни истамасангиз! Жорий йилнинг 12 майидан 13 майига ўтар кечаси бир гуруҳ қуролланган шахслар ҳарбий қисмга бостириб кириб, бегуноҳ аскарларни ўлдириб, қурол-яроғларни олиб чиқиб кетгани бор гап-ку. Сизга яна қандай маълумот керак? Шундан сўнг қамоқхона дарвозасини бузиб, 600 нафарга яқин маҳбусни озодликка чиқариб юборганларни сиз ким деб атайсиз? Бир неча ўнлаб бегуноҳ одамларни гаровга олиб, ваҳшиёна ўлдирган қотилларни қандай қилиб «тинч намойиш»чилар деб, оқлаяпсиз? Ҳамкасблар, виждонан айтингчи, бундан ортиқ яна сизга қандай «жўяли» маълумот керак? Бўлмағур, тўқиб чиқарилган хабарларни тарқатишдан асл муддаоингиз нима?

Майли, улар сиз айтганчалик, тинч намойишчилар экан, унда нега ҳокимият биносини қурол ёрдамида эгаллаб олишди? Бегуноҳ одамларни ўлдиришга, қон тўкишга ким ҳуқуқ берди? Айтингчи, уларнинг тинч намойишчилар эканлигини исботловчи сизнинг ўзингизда бирон-бир «жўяли» маълумот борми? Сиз уларни қайси халқаро қоидалар ва ҳужжатлар асосида оқламоқчи бўлаяпсиз?

Мазкур радио мухбири Ибрат Сафо айни пайтда Руминиянинг Тимишара шаҳрига жойлаштирилган «ўзбек қочқин»ларидан бири билан суҳбатлашибди. Мен атайин ушбу лавҳани бошдан охиригача тингладим. Бирор марта ҳам Ибрат Сафо жаноблари суҳбатдошининг исмини тилга олмади. Унинг айтишича, Ўзбекистон ҳукумати ушбу «қочқин»га расман мерган деб айблов қўйибди. *«...Жалолободдан терговчилар келиб, сизни турмани бузган, миллий хавфсизлик хизмати идорасига кирган, ҳокимиятга кирган, деган айбларда айблашаяпти, дейишди. Мен у кунларда уйда хотин бола-чақам билан ўтирган эдим. Бу туҳмат нарсалар»,* — дея интервью беради ҳалиги «қочоқ».

Эй биродар, айбинг бўлмаса, бировга қўл теккизмаган бўлсанг, бунинг устига фожиа содир бўлган пайтларда уйингда тинчгина ўтирган бўлсанг, унда нега Қирғизистонга қочиб ўтдинг? Сени бунга нима мажбур қилди? Андижон шаҳрининг 300 мингдан ортиқ аҳолиси осойишта яшаб юрибди-ку? Ҳеч ким уларни айблаётгани, қўлига кишан солаётгани йўқ-ку? Айби бўлган одамгина қочади, биродар.

*«...Жўнатилган сўровномада мени снайпер деб ёзишибди. Ўзи менинг кўзим яхши кўрмайди. Икки кўзимни операция қилдирганман. Иккинчи гуруҳ ногирониман.*

*— Кўзойнагингиз нечи?*

*— Кўзойнагим минус 20-21.*

*— Демак, сизга снайпер деб айб қўйишган, шундайми?*

*— Ҳа, шундай дейишган.»*

Қаранг, журналистнинг терговчидек савол беришини. Ҳар бир гапи билан ўз фикрини исботлашга ҳаракат қилади. Лекин ҳар нарсада мантиқ бўлиши керак. Нима, Ўзбекистон ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари шу даражада анойимикан-ки, яхши кўролмайдиган одамни мерган деб айбласа? Хўп, майли, сиз айтганча, ўша «қочоқ»га снайпер деб айб қўйишибди. У Ўзбекистонда туриб ҳам ўзининг бегуноҳлигини исботлай оларди-ку. Бир метрдан нарини яхши кўролмайдиган одамни ким ҳам мерган деб айблаши мумкин? Ёки, Ибрат Сафонинг суҳбатдоши тўқима образмикан? Шунақа қаҳрамонларни ўйлаб топишда озгина мантиқ бўлиши керак, ҳамкасб. Ҳар қалай сиз тайёрлаган эшиттиришларга биров ўз қимматли вақтини сарфлаб қулоқ тутади.

Куни кеча «Би-Би-Си» мухбири Муҳаммад Исмоилнинг Тошкентдан тайёрлаган репортажини эшитиб, тўғриси энсам қотди. «...*Оддий одамлар орасида турли хил миш-мишлар жуда ҳам кўп, баъзи бир одамларда ҳадиксираш ҳоллари ҳам борга ўхшайди. Масалан, мен билан суҳбатда бўлган бир аёлнинг айтишича, унинг қизига совчи келган ва бўлғуси куёв органда ишларкан, сентябрда ҳар хил воқеалар содир бўлармиш, совчига розилик беришдан олдин сентябрь ўтишини кутиб турсаммикин, деган хавотирли бир гапни ҳам айтди».* Бу каби кўча гаплари асосида тайёрланган эшиттиришларни тинглар экансан, гоҳида бу радиода қандай савиядаги журналистлар ишлайди ўзи, деб ўйлаб қоласан киши. Агар гапинг рост экан, нега ўша ғийбатдошингнинг овозини ёзиб, эфирга бермадинг? Ҳар қалай журналистика миш-миш тарқатиш дегани эмас-ку. Бу даражада асоссиз ва майда, қўпол қилиб айтганда, чойхонадаги ғийбатларни Британия радио корпорацияси эфирига олиб чиқиш, албатта, кулгили ва шармандали ҳолат. Шундан келиб чиқиб, бугун «Би-Би-Си» нуфузи нима билан ўлчанишини билмай қолдим. Ҳар қалай Ғарбнинг профессионал ва демократик матбуоти деган номи бор.

Мен ушбу мухтасаргина мақолам билан уларни ҳукуматимиз позициясини қўллаб-қувватлашларини сўраётганим йўқ. Фақат улар тўғри, аниқ ахборотлар тарқатишса, журналист, деган номни оқлаган бўларди, демоқчиман.

**Юнус БЎРОНОВ,**
**журналист**

Биз билган ва билмаган тарих

### ХОТИН-ҚИЗЛАР ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАР ГИРДОБИДА

# БОБУРНИНГ ДИПЛОМАТИК МАҲОРАТИ

Милоддан аввал ҳам, ҳозирги кунда ҳам жаҳон дипломатиясида хотин-қизлар хизматидан фойдаланиш тажрибаси маълум. Бу масала Заҳириддин Бобур ҳукмронлиги ва давлатчилиги, дипломатик муносабатларида ҳам бот-бот назарга ташланади. Албатта, бунда аёллар хизматидан жосуслик, разведка ёки соф дипломатик мақсадларда фойдаланишни қарийб кўрмаймиз. Асосан улар султон ва беклар, хонликларнинг ўзаро муҳорабаларида ёки гаров сифатида олиб қолинган, кўпчилик ҳолларда ғолиб лашкарбоши, мағлуб ёки вақтинча муваффақиятсизликка юз тутган томоннинг аёли, унга қариндошлик жиҳатдан яқин бўлган хотин-қизларни ўз никоҳига олган, бекларига тортиқ этган. Бу ночор ва аянчли дипломатик ўйиндан мақсад, гаровга тушган аёлга жисмонан яқин бўлишдан кўра, қарийб барча ҳолатда мағлуб томоннинг яна мағлублигини кўрсатиш, уни маънавий жиҳатдан эзиш ва доимо хаёлида ғолиб саркарданинг сиймосини тасаввур қилиб туриши муҳим бўлган. Мисолларга мурожаат этамиз.

Заҳириддин Бобурнинг «Бобурнома», Хондамирнинг «Таърихи ҳабибус-сияр», Гулбаданбегимнинг «Ҳумоюннома» асарларида Бобурнинг опаси Хонзодабегимнинг аянчли тақдири ҳақида анчагина маълумотлар берилган. Бемалол айтиш мумкинки, Бобур учун опаси (эгачиси) Хонзодабегимнинг тақдири умрининг охиригача армон бўлиб қолган.

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

Бобурнинг Хонзодабегимга бўлган муносабатини чуқурроқ англаш учун «Бобурнома»дан қуйидаги парчани ҳукмингизга ҳавола қиламиз: «Атроф ва жавонибтин билкулл маъюс бўлдук. Ҳеч тарафдин озуқа ва захира келмади. Бу маҳалда Шайбоқхон сулҳ сўзини орага солди. Агар бир тарафдин умидворлиғ бўлса эди ё захира бўлса, сулҳ сўзига ким қулоқ солур эди. Зарурат бўлди сулҳгуна қилиб, кечадин икки паҳар бўла ёвушиб эдиким, Шайхзода дарвозасидин чиқилди. Волидам хонимни олиб чиқтим. Яна икки хотун киши чиқти: бири Бичка халифа эди, яна бири Минглик кўкалдош эди. ***Менинг эгачим Хонзодабегим ушбу чиққонда Шайбоқхоннинг илигига тушти».***

Юқоридаги парчага эътибор берайлик. Масаладан бир оз илгари бориб шуни таъкидлаш лозимки, аслида Бобур бу ерда Хонзодабегимнинг муҳорабалардаги ёзилмаган дипломатик қонун — мағлуб кишининг яқин аёлини ғолиб никоҳига киришига оид жараёнини ёзиб қолдиришга ор қилган, чоғи. Бўлмаса, нега Бобурнинг ўзи таъкидлаган бир қатор унга тегишли мартабали аёллар озод этилади-да, фақат Хонзодабегим Шайбонийхоннинг асирига айланади? Яна бир масала муҳим: Бобур Самарқанд тахтини тарк этишининг батафсил сабабларини келтирмоқда. Аслида бу далиллар «Бобурнома»нинг юқорироқдаги сатрларида — унинг Шайбонийхон билан муҳорабаси тасвири, Самарқанддаги очарчилик зикрида баён этилган. Ноилож қолган опасини Шайбонийхоннинг машъум шартига кўнмаса келгуси умидлари — ягона империяни тиклаш, мустаҳкам давлат қуриш каби ниятлари ер билан яксон бўлишини сезган Бобур изтироб ва армон билан бу дипломатик ўйинга рози бўлишдан бошқа чораси қолмаган.

Ушбу фикримизни Бобурнинг қизи Гулбаданбегимнинг «Ҳумоюннома» асаридаги парча аниқ исботлайди. Гулбаданбегим бу асарини ёзаётган пайтда «Бобурнома» ёзиб бўлинган ва у бу асарни синчиклаб мутолаа этган. «Ҳумоюннома»нинг услуби, муаллиф баёни, тарихий воқеаларга муносабати бундан далолат беради. Гулбаданбегим Бобурнинг Хонзодабегимнинг Шайбонийхонга асир тушганлигига оид муносабатини ҳақиқатга яқинроқ тарзда ифода этгани, диққатга молик: «Ана шундай вақтда Шоҳбекхон (яъни Шайбонийхон — Ҳ.Қ.) «агар ўз синглингиз Хонзодабегимни менга берсангиз, орамизда сулҳ тузилади ва иттифоқчилик алоқалари ўрнатилади, деб айттириб юборади. Охир Хонзодабегимни ўша хонга бериб, ўзларининг қайтишлари зарур бўлди» (Гулбаданбегим, «Ҳумоюннома» Тошкент, «Маънавият», 1998, 26-30-бетлар).

«Бобурнома» муаллифининг Хонзодабегим ҳақидаги дастлабки, ҳали унинг Шайбонийхонга асир тушганлигидан олдинги маълумоти мазкур масалага янада ойдинлик киритади. Бунда Бобур Самарқанддаги мағлубиятининг зикридан кўра Шайбонийхон билан бўлган муҳорибаларининг шарҳи, имкон қадар у билан тенг туриб курашганлиги ва яна унга атрофдаги хон ва беклар ҳеч мадад бермаганликлари боис бу мағлубият содир бўлганлигини гапиради. Аслида гап Бобурнинг отаси Умар Шайх мирзо ва унинг авлодлари ҳақида бормоқда. Нега Бобур Хонзодабегим ҳақида гапириб яна Шайбонийхондан Самарқандда мағлуб бўлганлигини билдирмоқда, бунга батафсил шарҳ бериб «жудаям гуноҳ менда эмас эди, шу шароит бўлмаса мен Хонзодабегимни Шайбонийхонга қолдирмас эдим» қабилида ўзини оқловчи сатрларни келтирмоқда. Нима бўлишидан қатъий назар ўша даврдаги дипломатик шартларнинг қурбони бўлган Хонзодабегим тақдири султонлар кечмиши боис хўрликларга гирифтор бўлган.

Бобур ёзади: «Бори қизлардан улуғ Хонзодабегим эди, менинг била бир туққон эди, мендин беш ёш улуғ эди. Мен Самарқандни иккинчи навбат олғонда, бовужудким, Шайбонийхондек киши бирла Сарипулда чиқиб урушуб, ончаким имкони бор эди саъй ва эҳтимомдин тақсир қилмадук, нечукким маҳаллида мазкур бўлғисидур (бунда Бобур биз юқорида келтирган матнни назарда тутмоқда – Ҳ.Қ.), шикаст топиб келиб, беш ой қалъадорлик қилдим, қалъадорлиқ забти ва истеҳкоми ва сардорлиқта тақсир бўлмади. Атроф ва жавонибдағи подшоҳлар бу беклардин ҳеч навъ мадад ва муованат бўлмади, маъюс бўлиб солиб чиқтим».

Матндан кўриниб турибдики, Бобур гапни Хонзодабегим ҳақида бошлагандан кейин Самарқанд муҳорабасининг тафсилотини бермоқда. Мазкур парчанинг давомида эса у асл мақсад — отаси Умар Шайх мирзонинг авлоди бўлмиш Хонзодабегимга қайтади ва ёзади: «Ул фатаратта (муҳорабада — Ҳ.Қ.) Хонзодабегим Муҳамад Шайбонийхонга тушиб эди, бир ўғил бўлиб эди, Хуррамшоҳ отлиқ мақбул ўғлон эди». Бунда Бобур ўша Самарқанддаги Шайбонийхон билан олиб борилган дипломатик музокаралари ҳақида сўз юритмаса-да, Хонзодабегимнинг аччиқ тақдирини ўзининг ташвиши, дарди, юрак армони сифатида баён этган. Бобур билан учрашувга келган Хонзодабегим ўз укасини танимаганлиги, «бовужудким отимни айттим ҳам, муддаттин сўнгра танидилар», дейиши шу дарднинг бир лаҳзаси, холос.

***(Давоми бор).***

**Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ,**
**филология фанлари доктори, профессор**



## БАХШИЧИЛИКДА ДОНГ ТАРАТГАН МУҲАНДИС

Абдуназар Поёновнинг асли касби муҳандислик. Лекин у болалигидан бахшичиликка қизиқар, қўлидан дўмбира тушмас эди. Орадан йиллар ўтибдики, Абдуназар ака дўмбиранинг, бахшичиликнинг ҳақиқий шайдоси. Устози Хушвақт бахшига шогирд тушди. Ундан билмаганини ўрганди ва изланди.

Бугун Абдуназар акани мамлакатимизда кўплар танийди. У дўмбира чертиб, куйлаганида кўнгиллар ажиб туйғудан ором олади. Достонларни қўшиққа солса, унинг давраси кенгаяди, мухлислар олқишига созовор бўлади.

Бахши «Алпомиш»нинг Сурхондарё йўлида, «Олтин қобиқ», «Ойбарчин», «Гўрўғлининг туғилиши» каби достонларини бахшичиликнинг ўзига хос ижросида куйлаб халққа танилди. Бугунги кунда унинг икки китоби — «Турсун мерган ва Рамазон чопоғон», «Даврқул полвон» каби достонларини ўқувчилар яхши кутиб олди.

Абдуназар Поёновнинг «Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси» фахрий унвони билан тақдирланиши бахшини катта куч, ғайрат ва ижодий фаолликка ундади.

**Искандар ХЎЖАЕВ**
**(ЎзА) олган сурат.**

Коинот сирлари

# ОЙГА ПАРВОЗ МАСАЛАСИ

### ЯНА КУН ТАРТИБИДА

Инсониятнинг ўзга оламларга қизиқиши азалдан бошланган. XXI асрга келиб эса бу қизиқиш кенг миқёс олиб, бевосита амалиёт билан омухталик касб этди. 2004 йил январда Марс сайёрасига қўнган ва бугунги кунда ҳам ўз фаолиятини давом эттираётган Американинг «Spirit» ҳамда «Opportunity» ёки яқинда яна шу сайёра томон учирилган «Mars Reconnaissance Orbiter» сингари «марсоход»ларни бунга мисол келтириш мумкин.

Аслида Марсни яқиндан тадқиқ қилиш тарихи ўтган асрнинг 60-йилларидан бошланган: Ўшандан бери ушбу сайёра томон 31 та фазовий аппарат учирилган.

Бу ишга биринчи бўлиб, собиқ иттифоқ олимлари киришган эдилар. Бироқ 1960 йил октябрда учирилган 2 та ракета бу сайёрага етиб бормаган. Умуман олганда бошқа сайёраларга ҳам фазовий аппаратлар учирилган. Фақат улар мўлжалланган манзилга етиб борганлиги ҳақида ҳозирча маълумотлар йўқ.

Ойга эса биринчи парвоз ўтган асрнинг 60-йил охирларида амалга оширилган. Яъни 1961 йили Юрий Гагариннинг оламшумул фазовий фаолиятидан сўнг бир ой ўтгач, АҚШ президенти Жон Кеннеди мамлакат Конгрессига хат йўллаб, Ойга қадам ранжида қилиш Америка халқининг бирдан-бир мақсади бўлиб қолишини баён этган эди. «Apollo»ни Ойга учириш дастури ана шундан сўнг бошланган. Шундай қилиб «Apollo-8» Ой атрофини айланиб чиққан бўлса, «Apollo-10» фазогирлари эса Ой юзасининг 15 километригача пастлаган. Ниҳоят 1969 йилнинг 16 июлида «Apollo-11»фазовий кемасида Нейл Армстронг, Эдвин Олдрин, Майкл Коллинзлар Ойга парвоз этадилар ва биринчи марта 20 соат давомида ўзга сайёрада нафас олиш бахтига эришадилар.

Шу воқеадан сўнг Ойга парвозлар яна давом эттирилганми, деган савол туғилиши табиий. Ҳа, деб жавоб берамиз. Ўша йилнинг 14 ноябрида «Apollo-12» фазовий кемасида Конрад, Гордон ва Бин деган учувчилар бу ишни амалга оширишган. Кейин яна 5 марта шундай парвозлар бажарилди. Дарвоқе, битта парвоз — «Apollo-13»нинг «саёҳати» муваффақиятсиз якунланган, яъни у Ойни бир марта айлангач, ракета носозлиги боис Ерга қайтиб тушган.

Шундан сўнг Ойга «Лунаход» қўнганини ҳисобга олмаганда Ернинг бу йўлдошига бўлган қизиқиш сусайгандек эди.

Мана ниҳоят XXI асрга келиб, ўзга сайёраларни илмий-амалий ўрганишга бўлган интилишлар яна кучайди. Хусусан, яқинда Пекинда Ойни тадқиқ этиш маркази очилди.

«China Daily» газетасида чоп этилган хабарда ёзишларича, ушбу марказ 2007, 2012 ва 2017 йилларда Ойга учириладиган учувчисиз экспедиция парвозига тайёргарлик кўриш ишларини амалга оширади. 2007 йилга мўлжалланган биринчи парвоз Ой орбитасига чиқиш режасини



қамраб олган бўлса, иккинчи парвозда фазовий аппарат Ой юзасига қўнади. 2017 йили амалга ошириладиган учинчи парвозда эса аппарат Ойдан Ерга тупроқ ва умуман Ой қатламидан намуналар олиб қайтади.

«Чан» сериясидаги фазовий аппаратларни орбитага «Lond March» русумидаги ракета олиб чиқади. У Сичуан музофотидаги космодромдан парвоз этади.

Дарвоқе, биринчи фазовий аппарат ёрдамида Ойнинг кенг кўламдаги харитасини яратиш мўлжалланмоқда.

Ҳисоб-китоб қилинишича, бу учта фазовий аппаратни учириш хитойликлар учун 1,4 миллиард юан (172 миллион доллар)га тушади.

Маълумки, Хитой коинотга инсон парвозини уддалай олган Ер юзидаги учинчи давлат ҳисобланади. 2003 йили мамлакатнинг биринчи фазогири парвоз этган. Жорий йил сентябрда эса икки кишилик экспедиция учирилади.

Умуман олганда, Ойга парвоз фақат хитойликларни қизиқтираётгани йўқ. Американинг «NASA» коинотни тадқиқ этиш агентлиги ва ҳатто Малайзия ҳам ўз фазогирларини Ойга учириш дастури устида иш олиб боришмоқда.

Бугунги кунда «NASA» агентлиги мутахассислари «Hubble» дея номланган самовий телескоп ёрдамида Ой юзасини синчиклаб текширишни деярли якунладилар. Мақсад, йирик фойдали жинслар қатламини топиш ва ўша жойда доимий фаолият юритувчи фазовий база қуриш. Астронавтлар ҳаво ва энергияни шу жинслардан олишлари лозим.

Бу ишлар АҚШнинг 2018 йилда Ойга парвоз этиш дастурининг бир қисмидир, деб ёзади «The Guardian» нашри.

Питтсбург университетининг сайёралараро муаммолар бўйича мутахассиси, «NASA» гуруҳининг аъзоси Брюс Хапкенинг айтишича, улар улкан телескоп ёрдамида Ой юзасидан ильменит, дея номланган минералларни қидиришган. Темир ва титаннинг ушбу оксиди 1969 йилги парвозда Ойдан олиб тушилган тупроқ таркибидан топилган.

Ильменит минералида кислород, шунингдек, водород ва гелий бор. Мазкур минерал қиздирилса, ёнувчи газ ажралиб чиқади, ёндирилгач эса электр энергияси ҳосил бўлади. Минерал таркибидаги темирдан эса Ойда база қуриш учун яроқли бўлган қурилиш материаллари олиш мумкин. Шунда қурилиш ашёларини фалон миллиардлар сарфлаб, Ердан олиб чиқишга ҳожат қолмайди.

Олимлар Ой юзасининг учта нуқтасини ўргандилар. Уларнинг иккитаси ўтган асрнинг 70-йилларида «Apollo-15» ва «Apollo-17» фазовий кемалари қўнган жойлар яқинида. Ўшанда астронавтлар бу жойларда ильменитлар борлигини аниқлагандилар. Телескоп орқали текширувлар эса ўша жинслар кўп ё озлигини тасдиқлашдан иборатдир. Текширув диққат марказида турган учинчи нуқта эса Ой экватори яқинидаги 42 километр кенгликдаги Аристарх кратеридир. Олимлар бу жойда ҳам кўплаб фойдали минераллар топилишига умид боғламоқдалар.

Энди малайзиялик мутахассислар тузган режалар ҳақида гапирадиган бўлсак, аввало шуни айтиш лозимки, бу ўлка ўзининг биринчи фазогирини 2007 йилда коинотга учиришни мўлжаллаб турибди. Бу ҳақда мамлакатнинг фан, технология ва инновация вазири Жамолудин Жаржис яқинда ўтказган матбуот анжуманида журналистларга маълум қилди. «Малайзия ҳам ўз астронавтини Халқаро космик станцияга учира олиш қудратига эгалигини бутун дунёга намойиш қилиши лозим. Агар парвоз муваффақиятли амалга оширилса, кейинчалик Ойга парвоз қилиш режаси устида иш бошлаймиз» деди у. Мазкур лойиҳа яқин орада Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун тақдим этилади. «Биз 2020 йилда Ойга парвоз этишни режалаганмиз» деди сўзини давом эттириб вазир.

Куни кеча Малайзиянинг шарқий Паханг штатидаги Куантан шаҳрида фазогирликка даъвогарларни саралаш тадбирининг якуний босқичларидан бири ўтказилди. Бугун эса бешта шаҳарда яна шундай тадбирлар ўтказилади.

Таъкидлаш лозимки, 11 минг 275 киши фазогирликка талабгор бўлиб ариза берган. Бугунги кунгача улардан 894 нафари барча синовлардан ўтиб, кейинги синовларга тайёр турибдилар. Уларнинг 16 фоизи аёл учувчилардир. Даъвогарларнинг 74 фоизи 21 ёшдан 30 ёшгача, тўртдан бир қисми эса 31 ёшдан 40 ёшгача бўлган учувчилардир.

Коинотга Малайзия фуқаросини учириш ҳақидаги қарор аслида 2003 йили Махатхир Муҳаммад томонидан қабул қилинган (ўша пайтда у мамлакат бош вазири эди).

Яна бир гап. Фазогирликка номзодлар ўтган йили эълон қилиниши керак эди. Аммо тиббий-биологик экспертиза қилувчи мутахассислар етишмаганлиги боис якуний тўхтамга келиш кейинга қолдирилди.

Дарвоқе, улар парвозни россиялик ҳамкорлари билан бирга амалга оширишади.

Юқорида қайд этилган манбалардан кўриниб турибдики, Ойни тадқиқ қилиш, кейинчалик фойдали қазилмаларини ўзлаштириш ва инсониятнинг битмас-туганмас эхтиёжларини қондириш асосий мақсадлардан биридир. Фақат бу мақсадларга башарият қачон эришишини эса вақт кўрсатади.

**Интернет манбалари асосида Алимбек ТОШБЕК тайёрлади.**

Футбол

## БУГУН 18.05 ДА

### ЎЗБЕКИСТОН — БАҲРАЙН ТЕРМА ЖАМОАЛАРИ УЧРАШУВИ БОШЛАНАДИ

Футбол бўйича жаҳон чемпионати саралаш баҳсларида қатнашаётган Ўзбекистон терма жамоаси учун гуруҳ ўйинлари осон кечмади. Беш учрашувда атиги икки очко тўплаган вакилларимиз Қувайт билан бўлган ўйинда фақат ғалаба қозонишлари шарт эди. Шундагина гуруҳда учинчи ўринни эгаллаб, плейофф баҳсини давом эттириш ҳуқуқини қўлга киритишарди. Ҳайриятки, футболчиларимиз миллионлаб ишқибозлар ишончини оқлашди. Қувайтликларни 3:2 ҳисобида енгган ҳамюртларимиз Германияга бориш учун курашни давом эттирадиган бўлдилар.

Бугун соат 18.05 да Тошкентда бошланадиган Ўзбекистон — Баҳрайн ўртасидаги биринчи плейофф баҳсига қизиқиш ниҳоятда катта. Сабаби, «яримта» йўлланма учун майдонга тушаётган ҳар икки жамоа ҳам «ошини» бериб қўймаслик учун бор кучлари билан ҳаракат қилишлари аниқ.

Хўш, ўзбекистонликлар мазкур ўйинга қандай тайёргарлик кўришди? Терма жамоамиз 27 августда хорижлик бош мураббий бошчилигида ўқув-машғулот йиғинини бошлашди. Жароҳати туфайли қатор етакчи футболчиларимиз майдонга туша олмайди. Шу боис ҳам Роберт Хоугтон «йўқотишлар» ўрнини тўлдириш учун терма жамоага янги номзодларни таклиф этган.

Бугун ишқибозлар ажойиб футбол ўйинини томоша қиладилар. Мухлисларнинг футболчиларимиздан умиди катта. Бизга ғалаба, фақат ғалаба керак! Ўйлаймизки, терма жамоамиз аъзолари ишончни оқлашади.

**Равшан ШОДИЕВ**

## «ЙИГИТЛАР, СИЗЛАРГА ИШОНАМИЗ!»

### ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ АЪЗОЛАРИГА

Бугун сизларнинг олдингизда ўта масъулиятли ва шарафли вазифа турибди. Бугунги ўйинда Баҳрайн терма жамоаси устидан фақат ғалаба қозонишларингиз лозим. Сизлар бунга қодирсиз. Тўғри, бу осон иш эмас, қийин, машаққатли. Аммо, кўзланган мақсадга эришиш учун ҳамиша қийинчиликларни енгишга тўғри келади.

Қолаверса, бугун юртимизда спортга, спортчига яратилаётган шароитлар, қилинаётган ғамхўрликларга ғалабаларимиз билан жавоб қайтариш фурсати етди.

Ишонамизки, сизлар юрт, миллат шаъни, обрўсини улуғлаш, миллионлаб мухлисларингиз орзуси, истакларини рўёбга чиқариш мақсадида майдонга тушаётганингизни ҳис қила оласиз.

Мамлакатимиз терма жамоасини жаҳон биринчилиги финал ўйинларига олиб чиқишдек буюк вазифа сизларнинг зиммангизда турибди.

Буни сизлар уддалай оласизлар.

Йигитлар, биз сизларга ишонамиз!

**Бинодар АБДУРАИМОВ,**
**Баҳодир ИБРОҲИМОВ,**
**Ахрол ИНОЯТОВ, Тўлаган ИСОҚОВ**

### ШЕВЧЕНКО — ЭНГ ЯХШИ ФУТБОЛЧИ

Италиянинг «Милан» клубида тўп сураётган украиналик ҳужумчи Андрей Шевченко «Golden Foot» йўналиши бўйича жаҳоннинг энг яхши футболчиси, деб эътироф этилди. Шевченко овоз бериш йўли билан ўтказилган сўровда ўзининг жамоадошлари Паоло Мальдини ҳамда «Реал» клубининг собиқ ярим ҳимоячиси Луиш Фигулардан ўзиб кетди.

Эслатамиз, ўтган йилнинг охирида Шевченко Европанинг энг яхши футболчиси сифатида «олтин тўп»га сазовор бўлган «Golden Foot»нинг энг яхши футболчи мукофоти «World Champions Club» (Монако) журнали ҳамда Италиянинг «Gazzetta dello Sport» нашри томонидан таъсис этилган. Ўтган душанба куни Монакода Шевченко шаҳзода Альбер қўлидан мукофотни қабул қилиб олди. Мукофотга эса Дэвид Бекхэм, Эрнан Креспо, Оливер Кан, Ромарио, Роналдо, Рууд ван Нистелрой ва Зинеддин Зиданлар ҳам даъвогарлик қилишганди.

**РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛКИ БИРЖАСИ ВА «KIMOSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI» ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!**

**2005 йил 6,13,20 октябрь** кунлари соат 11.00 да республика Кўчмас мулк биржасининг биносида аукцион комиссияси иштирокида, объектнинг бошланғич баҳоси қадамба-қадам ошиши тартибида ўтказиладиган очиқ акцион савдосига қуйидаги объектлар қўйилади:

1. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Ортиқов жамоа хўжалигида жойлашган «Пахта нефть базаси» унитар корхонасига қарашли 14-В сонли мой алмаштириш шохобчаси,

**Бошланғич баҳоси — 4 508 300 сўм.**

2. Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманида жойлашган «Савдо тараққиёти» республика бирлашмаси

**Бошланғич баҳоси — 783 305 700 сўм.**

Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пули тўлаши шарт.

Закалат пули «Kimoshdi savdolari agentligi»нинг Ўзбекистон республикаси АТИБ «Ипотекабанк»нинг Тошкент шаҳар, С.Раҳимов бўлимидаги ҳисоб рақамига: 20208000804265383001, КОД-00901, СТИР 204563716 ўтказилади.

Қўшимча маълумотлар учун Республика Кўчмас мулк биржаси ва «Kimoshdi savdolari agentligi»га мурожаат қилишингиз мумкин.

***Манзилимиз: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Қора-Қамиш 2/4 даҳаси, М.Ўразбоев кўчаси, 1-А уй, республика Кўчмас мулк биржаси биноси, 2-қават, 207-хона.***

***Маълумот учун телефонлар: 136-15-28, 399-80-23. Факс: 136-06-17.***

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси Ҳайъати Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайховга акаси

**Илҳом ШАЙХОВ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компанияси раҳбарияти ва жамоаси назорат-тафтиш бошқармасининг 1-тоифали назоратчи-тафтишчиси Жуманазар Халлияровга падари бузруквори

**МИСИР ота**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Latif G`ULOMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Norbobo SHAKAROV
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Ekologiya, salomatlik va odob-ahloq 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
Email: uzbovozi@sarkor.uz

Navbatchi:
Alisher RO`ZIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi:
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 854
6460 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
O'zA yakuni — 21.00.
Topshirish vaqti — 21.40
1 2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda